



Бу афсонавий шаҳар асрлар давомида қадимий кидирувчиларни ўзига жалб этиб келган. Юз йилдан кўпроқ вақт аввал бу ерда Генрих Шлиман қазиб ишларини олиб борган эди. 1988 йилда археологлар яна сирли Трояга қайтдилар. Хозиргача бу ерда бир неча маданий қатламлар очилган бўлиб, энг қадимгиси милоддан аввалги III минг йилликка тегишлидир.

Шлиманнинг қашфиёти «Троя» мавзусини кучли ривожлантирди. Троя ҳақидаги миф ва ҳақиқий тарих ўртасида қандай богликлик бор? Троя ҳақиқатда буюк тарихий давлат бўлганми? Уни Европа цивилизациясининг бешиги деб ҳисоблаш мумкинми? Троя уруши ростдан ҳам содир бўлганми? Агар шундай бўлса, қачон? Бундай саволлар жуда кўп. Гомер нафакат келажак авлодларнинг онгини уятган, балки бир неча авлод олимларига ҳам иш берган. XX асрда Троя жуда кўп қашфиётларни тақдим этди ва ҳали ҳам тўхтамайдиганга ўхшайди.

Ҳар бир янги топилма олимлар ўртасида кизгин мунозараларга сабаб бўлади. Биз энг кизиқарлиларини кўриб чиқамиз.

Троя – тасаввурдагидан ҳам кўп марта каттами?

Эҳтимол, бронза даврида Троя ўйланганидан ўн марта катта бўлган. 1992 йилда, Генрих Шлиман қазиб ишларини олиб борган Гиссарлик тепалигининг жануби қисмида, Трояни ўраб турган ров топилди. Бу ров шаҳар деворларидан анча узоқда жойлашган бўлиб, 200 000 м² майдонни қамраб олган, холбуки, аввал ҳисобланган Троянинг майдони атиги 20 000 м² ни ташкил этган. Немис археологи Манфред Корфман бу ров Қуйи шаҳарни ўраб турган бўлиши мумкин деб тахмин қилди. Милоддан аввалги 1700 йилга келиб бу ерда минглаб одамлар яшаган. Қуйи шаҳар милоддан аввалги III минг йиллик ўртасида пайдо бўлган. Шубҳасиз, Троя аввал ҳисобланганидан анча кучли ва йирик шаҳар бўлган.

1994 йилда яна бир сунъий ров топилди. Биринчи ров калъа деворларидан 400 метр узоқда жойлашган бўлса, иккинчиси 500 метр узоқда эди. Иккаласи ҳам бир хил: чуқурлиги – 1,5 метр, кенглиги – 3 метр. Уларнинг ҳар иккаловийси яхши ўйланган мудофаа тизимининг бир қисми бўлган. Бу ровдан жанг аробаларида ўтиш имкони йўқ эди. Олимлар фикрига кўра, ров ортида ёғоч девор ёки ўткир ўралар жойлашган бўлиши мумкин. Гомернинг «Илиада» асарида ҳам бундай мудофаа тизими таърифланган:

"Ахмоқликдир отларни говдан бошқариш,

У жанг учун харгиз кулай эмас: унинг устида

Ўткир калканлар турибди, улар ортида данаиларнинг калъаси.

Биз бу чуқурга тушмаслигимиз, у ерда урушмаслигимиз керак,

Чунки бу ерда оёқдаги жангчиларни ҳам катлиом қилиш мумкин".

(XII, 62–66)

Корфманга кўра, бронза даврида Троя анатолий цивилизациясининг бир қисми бўлган ва Крит-Микена маданиятига тегишли бўлмаган. Троя Европанинг энг катта шаҳри эмас, балки Осиёнинг форпости бўлган.

ТРОЯ ВА ЛУВИЙ ТИЛИ

1995 йилда Трояда бронза муҳр топилди, бу ердаги биринчи ёзма ёдгорлик бўлди. Ёзув лувий тилидаги иероглифларда битилган эди. Милоддан аввалги 1500 йилларда лувий тили Кичик Осиёда кенг тарқалган бўлиб, хеттлар ҳам бу тилдан фойдаланишган.

Троянликлар ҳам бу тилда гапирганми? Бу биргина топилма асосида аниқ айтиб бўлмайди.

Бирок Корфман бронза давридаги Троя аҳолиси лувийлардан келиб чиққан деб ишонади. Лувийлар – милоддан аввалги 2000 йилларда хеттлар билан биргаликда Анатолияга кўчиб келган индоевропа халқларидан бири эди. Троядан топилган буюмлар кўпроқ анатолий маданиятига мансуб бўлиб, улар микеналиклар маданиятига ўхшамас эди.

Троя калъа деворлари микеналик деворлардан кўра анатолий мудофаа тизимларига ўхшарди: девор пастда кенгайган, юқорида эса эҳтимол, тиркишли бўлган; периметри бўйлаб мунарлар жойлашган.

Трояда топилган диний ашёлар ҳам хетт-лувий маданиятига тегишли. Троянинг жанубий дарвозаси олдида тўртта стела сакланиб қолган бўлиб, улар хеттларда шаҳарни ҳимоя қилувчи худонинг рамзи ҳисобланган. Шунингдек, шаҳар деворлари яқинидаги кабристонда кремация излари топилган. Кремация – марҳум танасини ёқиш – хеттларга хос бўлган, аммо бу даврдаги Гарб халқларида бундай урф йўқ эди. ЮНОНлар ўз майитларини милоддан аввалги 1400 йилгача тупрокка қўмган.

ТРОЯ – "ВИЛУСА" НОМИ ОСТИДА?

Филологлар фикрига таяниб, Корфман Илион/Трояни хеттларнинг ёзма манбаларда келтирилган "Wilusa" шаҳри билан боғлади. Вилуса Кичик Осиёнинг шимолий гарбида жойлашган бўлиб, айнан Троя ўрин олган ҳудудга тўғри келади. Корфман бундан хулоса чиқариб, "Энди Троя/Илион ва унинг аҳолисини хетт-лувий дунёсига тегишли деб ҳисоблаш учун асосимиз бор" дейди.

Агар шундай бўлса, бу кашфиёт жуда муҳим аҳамият касб этади. Энди Троя тадқиқотчилари хетт манбаларини Троян уруши ҳақидаги маълумотлар учун ўрганишлари мумкин. Хатто, эҳтимол, лувий тилида бу урушни тасвирловчи манбалар

мавжуд бўлиши мумкин!

ТРОЯНИНГ АСЛ ОХАНРАВОСИ

Кандай бўлмасин, бронза даврида Кичик Осиё жахон тарихида улкан ўрин тутган. Бу ерда Гарб ва Шарк учрашган, Европа янгиликлари Месопотамия ва Якин Шаркдан келган янгиликлар билан кўшилган. Троя ва бошқа шаҳарлар оркали бу янги гоёлар Грецияга таркаган.

Бирок бу жойнинг муваффақияти билан бирга, халокатга маҳкумлиги ҳам бор эди. Троя микеналик ЮНОНлар ва хеттлар ўртасидаги тўқнашувлар марказида қолган.

Кайта-кайта унинг деворларига душманлар юриш қилган. Археологлар бунини шаҳарнинг кўплаб ёнгини изларидан ҳам кўришади. Милоддан аввалги 1180 йилда эса Троя катта халокатни бошдан кечирган ва кейинги давр "қоронғу асрлар"га айланган. Шаҳар таназзулга юз тутган... Аммо бу фақат Трояга тегишли эмас, балки ўша даврнинг бутун дунёси учун ҳам хос ҳолат бўлган.

БРОНЗА ДАВРИ ЮНОНЛАРИ ВА ТРОЯ

Микена цивилизацияси ва Троя билан алоқалар

- Бронза давридаги ахейлар, Микена цивилизациясини яратган халқ, Троя билан милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталариданок яхши муносабатда бўлган.
- Керамика таҳлили бу муносабатларни тасдиқлайди: Микена (ахей) керамикаси м.а. 1500 йиллар атрофида Кичик Осиёнинг гарбий қирғоқларига қириб келган.
- Троя ҳам бу даврда Шаркий Ўртаер денгизидаги муҳим савдо марказига айланган. Микенлар ва хеттлар муносабати
- Микенларнинг тарихи хеттлар манбалари оркали ўрганилмоқда, чунки Микена шаҳарларидан ҳали архивлар топилмаган.
- Хеттлар "Ахиява" деб номлаган Микена давлати ҳақидаги маълумотларни Хаттуса архивларидаги мактублардан билиш мумкин.
- Хеттлар клинопись (чўпхат) ёзувидан анча олдин фойдаланган, Микена юнонлари эса фақат XV асрда "Линей Б" ёзувини ўзлаштирган.
- Хетт подшоси Хаттусили II Ахиява ҳукмдорига ёзган хатларидан маълум бўлишича, Пиямараду исмли шахс Троя ва бошқа шаҳарларга ҳужум қилган ва Милетга қуллар сифатида одамлар олиб борган.
- Хетт подшоси, хаттоки, Ахиява подшосини "ака" деб атаган, бу уни Миср ва Хетт ҳукмдорлари билан бир даражада деб билишини кўрсатади.

Артефактлар ва ёзма манбалар

- Германиялик тарихчи Иоахим Латах (2001 йил) "Троя ва Гомер" китобида Микена ва Кичик Осиё муносабатларини тасдиқлайдиган географик номлар ҳақида маълумот беради:

1. Tros ва Troia – "троялик" ва "троялик аёл" (Крит, Пилос ва Фивалик ёзувларда).
 2. Imrios – Имброс оролидан келган киши (Крит).
 3. Lamniai – Лемнос ороли аёллари (Пилос).
 4. Aswiai – Осиёлик аёллар (Крит, Пилос, Микена).
 5. Kswiai – Хиос ороли аёллари (Пилос).
 6. Milatiai ва Knidiai – Милет ва Книд аёллари (Крит ва Пилос).
- Бу топилмалар шуни кўрсатадики, Микена юнонлари Троя ва Кичик Осиё билан жуда узвий боғланган.

БИР УЛКАН УРУШМИ ЁКИ КИЧИК РЕЙДЛАРМИ?

Бошка олимлар, жумладан, Вольф-Дитрих Нимайер, Гомерни химоя қилади.

МИЛЕТ ВА ХЕТТЛАР ХУКМРОНЛИГИ

Археологик топилмаларга кўра, милоддан аввалги XIII асрнинг иккинчи ярмида Милетда ҳокимият ўзгарган: ахей тарафдорлари мағлуб бўлиб, улар ўрнига хеттлар кўллаб-қувватлаган ҳукмронлар келган.

Нимайер шундай ёзади:

"Миллаванда, ёки Милет, Ахиява давлатининг Кичик Осиёдаги форпости бўлган.

Ахейлар айнан шу ердан Кичик Осиёдаги сиёсий жараёнларга араллашиб, хеттларга қарши қучларни кўллаб-қувватлаган. Аммо ахейлар Милетдан қандай қилиб ҳайдалгани ва қандай қилиб у хеттлар назоратига ўтгани бизга номаълум. Эҳтимол, Тудхалия IV бу ҳавфли ҳудудни йўқ қилишга қарор қилган."

2000 йилда археолог Аннелизе Пешлов Милетга олиб боровчи Латмос тоғларида хетт ёзуви топди. Бундай ёзувлар одатда хетт ҳукмронлигини тасдиқлаш учун ишлатилган.

«ИЛИАДА»НИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ СЦЕНАРИЙСИ

Милоддан аввалги II минг йилликда Ахиява Шаркий Ўрта Ер денгизи соҳилларига босимни қучайтирган. Милоддан аввалги XV асрда микеналик ЮНОНлар Критга ҳужум қилиб, унинг денгиз ҳукмронлигини йўққа чиқарган. Шу даврдан бошлаб, Милет ахейларнинг мустаҳкам қалъасига айланган. У ердан улар хеттлар ҳудудига тажовуз қилишган.

Бирок бу босим хеттлар томонидан қайтарилган. Ахиява Милетни йўқотган. Ахейлар Кичик Осиёнинг «ўсимликлар омбори»га эга бўлишни хошлашган.

ТРОЯ УЧУН УРУШ

Милет етакчилиқни йўқотганидан сўнг, ЮНОНлар янги база сифатида Трояни танлаганлар. Бу гуллаб-яшнаган шаҳар анчадан бери уларнинг диққат марказида эди. Шунинг учун улар бу ерга юриш бошлаганлар.

Корфманнинг фикрига кўра, Троянинг йўқ бўлиши табиий офат натижаси бўлиши мумкин. Унинг фикрига кўра, «Троян оти» – бу ЮНОНларнинг Посейдонга бағишланган қурбони бўлиб, Гомер бундан аслида шаҳарни қулатган зилзилани назарда тутган бўлиши мумкин. ЮНОН мифологиясида Посейдон «ер силкитиш худоси» сифатида танилган.

Биргит Брандау, «Троя: шаҳар ва афсона» китоби муаллифи шундай дейди:

"Барча мусибатлар ёки кичик ҳарбий ҳужум ёки зилзила билан бошланган. Шох саройи вайрона бўлган. Кейин эса қийин ҳаётдан норози бўлган шаҳар аҳолиси исён қўтарган."

ТРОЯНИНГ ФОЖИАВИЙ ОХИРИ

Троя жойлашуви жихатидан мураккаб вазиятда эди. У микеналиклар ва хеттлар ўртасида қолган эди.

"Лекин сенинг сўнги қуниги яқинлашмоқда! Бунга биз айбдор эмасмиз, балки қудратли худо ва тақдирнинг ўзи айбдор!"

("Илиада", XIX)

1180 йилларда Троя ҳалокатга учраган. 1175 йилларда Хеттлар давлати ҳам йўқ бўлган. ЮНОНлар босими янада қучайган ва 1100 йиллардан бошлаб улар Кичик Осиёга

оммавий равишда кўчиб ўта бошлаганлар.

ХУЛОСА

Археологик тадқиқотлар хали Троя уруши сценарийсини тўлиқ тиклаш имконини бермаган. Аммо бу тадқиқотлар Троя эпоси ортида катта тарихий воқеалар турганини рад этмайди.

Олимлар бу уруш стратегик ахамиятга эга бўлган воқеа бўлганини тасдиқлашмоқда. Хар кун янги топилмалар бизни бу хулосага яқинлаштирмоқда.

Демак, Гомерни тарихий ҳужжат сифатида жиддий ўқиш керак. У шунчаки афсона эмас...

Абу Муслим таржимаси